

SHARQ MASH'ALI

ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ БАРҲАЁТ МАЛОИКАЛАРИ

УРАЗОВА РАЪНО

Катта ўқитувчи, НавДКИ

Аннотация. Авестошуносликда амешаспенталарнинг функционал таҳлили масаласида фикрлар хилма-хиллиги ҳалигача тугал ечимини топмаган. Ушбу мақола Авестода амешаспенталар, яъни ҳамиша муқаддас малак сиймолар (эманациялар) функцияларининг генезиси ҳақида фикр юритади.

Таянч сўз ва иборалар: Ахура Мазда, Арта ваҳишта, Спента армаити, Вахумана, Хиатра Варя, эманация, тажалли, эзгулик, ақл-идрок, адолатли ҳукмдорлик, бутунлик, Хаурватат, абадий барҳаётлик, Амэретот.

Аннотация. Разнообразие мнений и споры по вопросам роли амешаспентов, вечносвятых и бессмертных эманаций Ахура Мазды, далеко ещё не исчерпаны. Настоящая статья посвящена функциональному анализу шести эманаций и некоторых язатов, т.е. божеств из пантеона зороастризма.

Опорные слова и выражения: Ахура Мазда, Арта Вахишта, Спента Армаити, Вахумана, Хиатра Варя, эманация, проявление, благодать, Святая мысль, справедливая власть, целостность, Хаурватат, бессмертие, Амэретот.

Abstract: It is still far from exhausted the diversity of opinions and debate on the role of Amshaspands forever immortal saints and emanations of Ahura Mazda. This article focuses on the functional analysis of the six emanations and some yazats, i.e. deities from the pantheon of Zoroastrianism.

Keywords and expressions: Ahura Mazda, Arta Vahishta, Spenta Armaiti, Vohuman, Hshatra Varya, emanation, the manifestation, goodness, holy thoughts, the fair authority, integrity, Khaurvatat, immortality, Ameretot.

Зардуштийлик, Мазда Ясна дини асл моҳиятига кўра энг қадимги якка худолик дини сифатида қаралади. Лекин амалиётда бу диннинг асосчиси Заратустранинг вафотидан кейин қадимий кўпхудолик пантеонига хос маъбуд ва маъбудаларни Ахура Мазданинг ўзи самовий илоҳий зотлар этиб яратган, деган шаклда илоҳиёт тизимида қайта олиб кирилган. Масалан, “Авеста” китобининг бир пораси “Яшт” китоби бутунисича айни шу кейин илоҳиёт тизимида киритилган маъбудларга ва маъбудаларга бағишланган алқовлардан иборат. Масалан, маъбуда Арштоднинг аёл зот сифатидаги фуқцияларига алоҳида тўхталмоқ мақсадга мувофиқ. Бу маъбуда Ахура Мазданинг махсус вазифадорлари қаторида туради. Унинг етакчи вазифаси борлиққа кўркамлик бағишлашдир. Арштод Яштнинг бошловида “илоҳийвор яралмиш кўркамликка, Арштод улуғлигига шон-шарафлар ва алқовлар бўлсин”, дея дуо келтирилган. Маъбуда Арштодга борлиқнинг кўриқчиси, ростлик, тўғрилиқ, эзгу оламни кенгайтириш каби вазифалар юкланган. Бу каби маъбуд ва маъбудалар қаторида Митра, Ардви Сура, Аши, Зам, Тиштрия, Варахран ва бошқаларни тилга олиш мумкин. Ҳолбуки, Зардушт ўзи ижод қилган даъваткор қўшиқлар

“Гоҳ”ларда “Яшт”ларда мадҳ этилган маъбудларнинг бирортаси учрамайди.

Бу мақолада биз маъбуд ва маъбудалардан юқори поғонада турувчи, бевосита Ахура Мазданинг тажаллилари ҳисобланмиш амешаспенталар, яъни ҳамиша барҳаёт, ўлмас малак сиймолар, уларнинг Ахура Мазда иродасининг ифодалари сифатидаги мақоми ҳақида фикр юритамиз.

“Гоҳ”ларда олий инстант, бутун борлиқнинг эзгу асосларини яратган Ахура Мазданинг номи унинг вазифаларини бажарувчи олти муқаддас малак зотлар номлари билан тез-тез алмаштириб турилади. Бу олти малак сиймо аслида Ахура Мазданинг функциялари бўлиб, илмий тилда эманациялар дейилади. Кўп ҳолларда ушбу эманациялар ҳам “Гоҳ”ларда ўз номлари билан эмас, балки бажарадиган функциялари номи билан аталади. Шу сабабли тадқиқотчилар малак зотларни алоҳида персонификациялаб (шахслаштириб) қарашади. Бундай ёндашув Ахура Мазданинг яккалиги ғоясига зиддир.

Мазкур тафаккур босқичи мифологик тимсоллардан илоҳий зотлар тимсолларини яратиш томон ўсиб борган. Бу жараён эса ижтимоий билим ва тажрибаларга, маънавий тасаввурларга таянмай иложи йўқ эди. Шу



сабабли зардуштийлик илоҳиёт тизими поғоналашган шаклга кирган. Жумладан, Ахура Мазда энг олий мақомда, олти нафар амешаспенталар унинг эъзозида, атрофини ўраб туради, олий ибодатни ижро этиш бўйича ҳар бирининг ўз вазифаси бор.

“Гоҳ”ларда куйланишича, Ахура Мазда Яратгувчи (31.11), Ҳимоячи (44.4), Мутлок ҳукмдор (43.1), Кун ва тунни яратгувчи (44.5), Ҳад-худудсиз, яъни боши ҳам, охири ҳам йўқ (31.7), Қудратли (45.6), Ҳамма нарсани кўргувчи (31.7), Шафқатли (33.11), Олий Бахт эгаси (34.13), У ҳақиқатгўй (47.2) ва ҳоказо.

Ахура Мазданинг иродасини ифодаловчи амешаспенталар мавжуд деган инонч зардуштийлик эътиқодининг асосий ғояларидан биридир. Уларни санаб ўтамиз: Аша-Ваҳишта (Тартиб-интизом), Ваху-Мана (Ҳақиқатгўй, чинқўнгилли) Ҳшастра-Варйа (Қудратлилик) Спента Армаитий (Муқаддас давомийлик) Хаурватат (Бағри бутунлик, тўла тўқислик) Амеретот (ўлмаслик, комиллик, муқаммаллик). Амешаспенталар худди олмос (тошлари) кўзлари каби, биргаликда Яккаю-ягона Яратувчининг иродасини ифодалайдилар¹.

Агар алоҳида-алоҳида олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг ҳар бири ўзига хос вазифаларни бажаради. Яъни, биринчи учликка Худонинг оталик вазифалари юклатилган бўлса, иккинчи учликка онадошлик вазифалари юклатилган². “Кенжа Авеста”да уч нафар амешаспенталар (Спента Армаитий, Хаурватат, Амеретот) иштирок этадилар. Улар Ахура Мазданинг она худолари ҳисобланган. Бу амешаспенталар руҳий оламда оқиллик, сабрлилик, дўстоналик каби ахуравий хислатлар ҳомийси бўлса, моддий оламда заминни қўриқлагувчи, уни пок тутгувчи ва барака ато этгувчи зотлардир. Спента Армаитий Ахура Мазданинг қизи, сувлар маъбудаси Ардвисура Анаҳита ва кўплаб яхшилик илоҳалари унинг дўсти ҳисобланади.

Эрон адабиётшунос олими С. Баҳор ёзади: “Баъзи манбаларда “арамати” тарзида қўлла-

нилган истилоҳ “замин” тарзида таржима қилинган. Бизнингча, аслида “ара-мата” бўлиб, у “она-замин” маъносига яқин”³.

Авесто орқали зардуштийликнинг бош масаласи – илоҳиёт асослари ҳақида фикр юритганда, Ахура Маздага юкланган яратгувчилик хоссасининг чекланмаганлигига эътибор қаратиш лозим. Ахура Мазда борлиқни эзгу қилиб, ранг-баранг дунёнинг азалий эзгу тартибини ҳар соҳада ҳимоя қилиш учун турли-туман эзгу нозирларни ҳам яратганига зардуштийларнинг имони комил бўлган.

Ахура Мазданинг якка-ягоналиги тушунчасининг узоқ ўтмишда шу қадар кенг ва эркин талқин қилиниши тарихий шарт-шароит тақозоси эди. Яъни, Ахура Маздага яратувчилик функцияси табиат ва жамият, бутун борлиқ, чексиз оламлардан ташқари инсон онги маънавий дунёси эҳтиёжи бўлмиш, руҳоният оламига хос илоҳий зотлар тизимига таллуқли эканини қалбан идрок этиш, уни эътиқод объектига айлантириш, мавҳум руҳий тушунчаларни чин ҳақиқат даражасига олиб чиқиш ўша давр учун инсон ақли ва тафаккури эришган буюк юксакликдан далолат эди.

Бу мавҳум илоҳиёт тизими бир қарашда мураккаб туюлади. Аслида эса, уларнинг вазифалари ягона Ахура Мазда иродаси қудратига боғлиқ ҳолда қаралса, ҳар бир илоҳий зотнинг ўз ўрни, мавқеи ва даражаси борлиги яққол кўринади. Бу эса зардуштийлик узоқ ўтмишга айланган бугунги бир шароитда махсус тадқиқот ва шарҳларни талаб қилади.

Масала биринчи галда Ахура Мазданинг зардуштийлар наздидаги талқинидан бошланади. Ахура Маздани якка-ёлғиз Ҳақиқат деб, унинг Эзгу Ният, Комил Ақл, Олам Шаҳриёри каби сифатларини ўз борлиғида мужассам бўлишини орзу қилган Зардушт Олий яратгувчи зотни ягона деб билгани

Ахунавад Гоҳ (Ясна: 28-ҳоитийси)да бундай қайд этилган:

*Сен ҳақиқатан Эзгу ният, янги аҳдимсан
Эътиқодим қўшиғи деб танладим сени
Токи борлиқ вужудимда қалбим тўрида*

¹ Прабхаананда Свами. Гаты Заратустры // В кн.: Священные писания Востока. Краткий путеводитель / Перевод с англ. / – М.: ООО Изд. дом София, 2004. – С. 75–88.

² Там же.

³ Қаранг: Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. 304-б.



*Очун Беги-Шаҳриёри ҳамда Армаитий
Хислатларинг билан тўлсин, бўлсин зиёда.
Сендан нажот, мадад сендан, кутганим
Умид шулким севинч ила Яхши кун етказ¹.*

Ушбу ҳоитий (қўшиқ)нинг 1-бандидаёқ Зардушт Ахура Маздага мурожаат этиб, “...аввал-азал қўлларимни сен томон ёзиб, ибодат бағишлаб яхши кун ва севинчли ҳаёт орзусидадирман. Сенга эътиқодимдан ажаб эрмас, ҳақ рўёбга чиқиб, Армаитий донолиги, Ваху Мана ва Олам руҳи (Геуш Урван)-ларнинг кўнгли чоғ бўлса”², – дейди.

Ушбу икки лавҳа (қўшиқ) мазмунидан аёнки, Зардушт аввал бошданоқ Ахура Маздани алоҳида яккалик мақомига кўтарган ҳолда унинг хислатларини мужассам этган малоикалари ҳақидаги ғояни ўртага қўйган. “Гоҳ”ларнинг дастлабки бандларидан бошлаб ушбу малоикалар Ваху Мана, Спента Армаитий, Хшастра Варйаларга алоҳида ўрин берилган. Уларнинг етакчиси эса одамлар билан малоикалар ҳамда олий инстант – Ахура Мазда ўртасини боғловчи Ашах (Арта) – Ҳақиқатдир.

Демак, “Гоҳ”ларда Ахура Мазданинг яккалиги ва унинг иродасини рўёбга чиқарувчи уч малоика, ундан иккитаси эркак ибтидоли ва бири – Спента Армаитий аёл ибтидоли илоҳий яралмиш зотлардир.

Шу ўринда Авестонинг кенжа таҳрири (“Младоавеста”, “The yang Avesta”) таркибида Яштлар, Видевдот, Виспартлар – булар Ахура Мазданинг хислатларини олган ва иродасининг ижрочилари сифатида Арта Вахишта, Хаурватат ва Амеретотлар пайдо бўлади.

Авестошуносликда ушбу олти илоҳий малоиканинг борлиги зардуштийлар наздида Ахура Мазданинг якка-ягоналигига асло соя солмаган. Аксинча, Ахура Маздага эътиқоду

ихлос, унинг мазкур малоикаларида мужассам хислатларига эришмоқлик орқали бўлади, деб тушунилан.

Ахура Мазданинг эманациялари бир қанча манбаларда ўзига хос таърифланган. Жумладан, Асқар Маҳкамнинг ўзбек тилига таржимасида амешаспенталар руҳий оламда сабрлилик, дўстлик каби ахуравий хислатлар ҳомийси, моддий оламда заминни қўриқлагувчи, уни пок тутувчи ва барака ато этувчи илоҳалар, дея таърифланади. Спента Армаитий (форсча талқини Сипандормаз, ер илоҳаси) Ахура Мазданинг қизи сувлар маъбудаси Ардвиге Сура Анахита ва кўплаб яхшилик илоҳалари унинг дўсти. Спента Армаитий яратилмиш жамики мавжудотни парвариш қилади. Одамлар у туфайли файз-барака топадилар. Ахура Мазда уни сурувларга кўм-кўк ўтлоқлар яратиб бериши учун бунёд этди. У ўн минг доривор гиёҳнинг соҳибидир. Яна бир малоика Хаурватат, яъни Хурдод деб номланади. Хурдод – Авестода “Хавраватат”, пахлавийда “Хурдод” ё “Хурдот”. “Комиллик”, “Тўғрилиқ” маъноларини ифодалайди. Асқар Маҳкам таъкидлашича, Спента Армаитий Ахура Мазданинг Она худолари силсиласида олий ўринни эгаллайди³.

Ҳинд олими Свами Прабхаананда ўзининг “Зардушт гоҳлари” асарида ҳам Ахура Мазданинг иродасини ифодаловчи ўлмас, ҳамиша барҳаёт малоикалар ҳақида тўхталиб ўтади. Бу олти амешаспенталар худди олмос қирраларининг жилвалари каби, биргаликда яккаю-ягона Яратувчининг вазифаларини бажарадилар. С. Прабхаананда биринчи учлик оталик вазифасини бажарса, кейинги учлик онадошлик вазифаларини бажаради, деб кўрсатиб ўтган⁴. Улар биргаликда амешаспенталар гуруҳини ташкил қилиб, Ахура Мазданинг Она худолари силсиласида олий ўринни эгаллайдилар.

¹ Авестадан ишимизда келтирилаётган шеъринг парчаларнинг таржималари М.Исҳоқовга тегишли. Баъзи таржималарнинг қўлёзмаларидан фойдаланишга рухсат этганлари учун устозга чуқур миннатдорчилик билдирамиз (Муаллиф).

² Авесто: Гоҳлар: Уштаваити Гоҳ; Ахунаваити Гоҳ. / М. Исҳоқов таржимаси. (Қўлёзма, 19-б.)

³ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. / Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. 304-б.

⁴ Прабхаананда Свами. Гаты Заратустры // В.кн.: Священные писания Востока. Краткий путеводитель / Пер. с англ. / – М.: ООО Изд. дом София, 2004. – С. 75–88.





Она-заминда сувларга пушти-паноҳ ҳисобланмиш яна бир малоика Мурдоддир. У Авестода “Амиритот”, паҳлавийда “Амурдод”, форсийда “Амурдод” ёки “Мурдод”. Маъноси – “умрбоқийлик”, “абодият”. “Тоҳ”ларда Ахура Мазданинг маъбудаларидан, “Кенжа Авесто”да малоика амешаспенталардан бири ҳисобланади. Ушбу малоиканинг номи малоика Амурдод билан бирга қўлланилади. У заминий ҳаётда сувларга пушт-паноҳ бўлади. Айни шу амешаспенталар (азалий ва абадий барҳаёт малак зотлар) моделининг кетма-кетлиги (доимий тартиби) ҳам бежиз эмас. Уларнинг учтаси эркак, учтаси аёл малак сиймолар деб талқин этилиб, ушбу олти малак Ахура Мазданинг “дўстлари” деб таърифланади. Бизнингча, бу таъриф масалани тўғри акс эттирмайди. Чунки, бу олти малоика – Ахура Мазданинг иродасини рўёбга чиқарувчилар. Айни чоғда, улар Ахура Мазда кудратининг намоён бўлиш (инъикослари) шакллариدير. Бошқача айтганда, эманациялар тизими Ахура Мазданинг ўзини ифода этиш шакллари ва иродаси майдонлариدير. Уларнинг биринчиси ва энг азиз ҳисоблангани Ваху Мана – эркак жинсига мансуб зот. Атаманинг луғавий маъноси “Эзгу ўй, яхши ният”. Намоён бўлиш қиёфаси “Олам руҳи” деб улуғланувчи Муқаддас ҳўкиз тимсоли. Унинг вазифаларидан бири чорва ҳимояси ҳисобланган. Иккинчиси Арта Ваҳишта (“Ордувиҳишт”) – Ҳаққоний беҳиштийлик, жаннатийлик ғояси. Учинчиси – Спента Армаитий осойиш, оқиллик, фаровонлик малак сиймоси. Тўртинчиси – Хшастра Варйа (Шаҳриёрлик), яъни жамият тараққиётининг юксалиш поғоналарида уни бошқариш билан боғлиқ функция эгаси. Бешинчиси Хурватат саломатлик, бағри бутунлик, мукамаллик, оламнинг бутунлиги ғоясиدير. Амёретот олтинчи малак ҳисобланиб, у абадий барҳаётлик, ўлмаслик ғояларидан иборат. Ушбу тизимнинг ижтимоий асослари ўз даври жамият ҳаётининг мифологик тасаввурларда акс этиши бўлиб, ердаги кундалик реал ҳақиқатни самовийлаштириш орқали юзага келган. Шуниси муҳимки, ушбу эманациялар –

“Ахура Мазданинг иродат тимсоллари” ўз тизимида жинсларга ажратилган. Тизим бошида Ахура Мазда – гўё оила моделида **ота**, Эзгу ният малак сиймоси **отанинг ўз оиласи барқарорлиги**, бахти икболи учун хизмат қилади. Эзгуликнинг мукофоти (ажри) Арта Ваҳишта **Жаннатий ҳақиқат** томонидан етказилса, Спента Армаитий **борлиқ осойиши** ва оқилона яралмиш замин малоикаси, ундан тўқлик, фаровонлик, хотиржам, барқарор ҳаёт ато бўлади. Шаҳриёрлик навбатдаги эманация бўлиб, унинг функцияси оқилона **адолатли бошқарувдир**. Қолган икки аёл эманация борлиқнинг **яғоналиги ва ўлмаслигидир**. Бу таҳлилдаги аёл жинсига мансублик ўз навбатида жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий асосларини мужассам этади¹. Эманациялар тизимининг тенг ярми аёл жинсига мансуб талқин қилиниши Зардушт “Тоҳ”ларидаёқ аниқ кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган фикрлар давомида туриб, Ахура Мазда ва унинг хислатлари мажмуи бўлмиш малоикалар тизими зардуштийликнинг бирламчи илоҳиёт туркуми деб қаралади. Бу туркум олий илоҳий зотнинг кенг қўламли, хатто чексиз функциялари ифодалариدير. Илоҳий функцияларнинг олий даражаси амешаспенталарда мужассамки, улар Ахура Мазданинг тажаллилариدير. Улардан қуйроқда иккинчи поғона илоҳиёт туркуми – язадлар деб номланади ва улар асосан, Авестонинг “Яшт” наскида жойлашган алқовлар орқали маълумдир. Язадларнинг мураккаб функциялари алоҳида муаммо бўлиб, махсус тадқиқот масаласидир.



¹ Исҳоқов М. Қадимги давлатчилигимиз тарихидан. // Таълим муаммолари, 2006. № 1. 18–19-б.

